

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖ  
ягона акциядорининг 2025 йил «19»  
июлдаги қарори билан**

**«Ўзбекгидроэнергоқурилиш»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ  
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

**«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамиятининг  
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

---

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсати тўғрисидаги мазкур Низом (кейинги ўринларда - Низом) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамиятининг уставига (кейинги ўринларда - Жамият), корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишининг 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низомда АЖнинг дивиденд сиёсатида акс эттирилиши ва ошқор қилиниши зарур бўлган умумий масалалар кўрилади.

2. Жамиятнинг дивиденд сиёсати акциядорларнинг фаровонлигини юксалтириш ва Жамият капиталлашуви ўсиб боришини таъминлашга йўналтирилгандир. Низом акциядорларни ва бошқа манфаатдор шахсларни Жамиятнинг дивиденд сиёсати тўғрисида хабардор этиш мақсадини кўзда тутди.

Мазкур Низом Жамият Кузатув кенгашининг акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга ёндашувини белгилайди.

Жамият акциядорларига дивидендлар тўлови билан боғлиқ бирор бир масала Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни меъёрлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъерий ҳуқуқий ҳужжатлари, Жамият устави ва мазкур Низом билан ҳал қилинмаган ҳолатда, ушбу масала акциядорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш заруратига асосланган ҳолда ҳал қилиниши керак.

3. Жамият капиталлаштириш ўсишини акциядорларнинг Жамият акцияларидан даромадлар олиш бўйича қонуний мулкӣ манфаатларини қондиришнинг асосий усули сифатида кўради. Дивиденд сиёсати акцияларнинг бозор қийматини ошириш мақсадида Жамият томонидан олинган фойданинг истеъмол қилинадиган ва капиталга айлантириладиган қисмлари ўртасидаги нисбатларни оптималлаштиришдан иборат.

4. Жамиятнинг дивиденд сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

шаффофлик тамойили – дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок қилаётган томонларнинг вазифалари ва жавобгарликлари, шу жумладан дивидендлар тўлови ва миқдори тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги ахборотнинг белгиланиши ва ошқор қилинишини назарда тутди;

ўз вақтида тамойили – дивиденд тўловларини амалга оширишда вақт оралиғи чегаралари белгиланишини назарда тутди;

## «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамиятининг ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ

---

асосланганлик тамойили – дивидендлар тўлови ва миқдори тўғрисида қарор Жамият томонидан ижобий молиявий натижаларга эришилган тақдирдагина, Жамиятнинг ҳақиқий молиявий аҳволига асосланиб ривожланиш режалари ва унинг инвестиция дастурлари ҳисобга олинган ҳолда қабул қилиниши мумкинлигини назарда тутади;

адолатлилик тамойили – акциядорлар дивидендлар тўлови, миқдори ва тартиби тўғрисида қабул қилинадиган қарорлар юзасидан ахборот олишда тенг ҳуқуқларини таъминланишини назарда тутади;

изчиллик тамойили – дивиденд сиёсати тадбирлари ва тамойилларининг қатъий ижро қилинишини назарда тутади;

ривожланиш тамойили – Жамиятнинг стратегик мақсадлари ўзгариши туфайли дивиденд сиёсати қоидаларини қайта кўриб чиқиш ва корпоратив бошқарув тадбирларини яхшилаш доирасида дивиденд сиёсати доимий такомиллаштирилишини назарда тутади;

барқарорлик тамойили – Жамиятнинг дивидендлар тўловининг барқарорлик даражасини таъминлашга интилишини назарда тутади.

5. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлови тўғрисида қарорлар қабул қилиш (эълон қилиш) Жамият ҳуқуқи ҳисобланади. Акциядорлар умумий йиғилиши акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ёки тўланмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

6. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш Жамият мажбурияти ҳисобланади.

Дивидендларни тўлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар (шу жумладан, солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва ушлаб қолиш харажатлари, дивидендларни ўтказиш харажатлари, почта харажатлари) бошқарув органлари қарори бўйича дивидендлар олаётган акциядорга юкланиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ, Жамият ушбу мажбуриятнинг бажарилмаганлиги учун акциядорлар олдида жавобгар бўлади.

7. Дивидендлар қуйидаги акциялар бўйича ҳисобланмайди ва тўланмайди:

жойлаштирилмаган акциялар;

Жамиятнинг ўзи томонидан эгалик қилинган ва/ёки сотиб олинган акциялар;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

8. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 54-моддаси биринчи қисми билан назарда тутилган ҳолатларда Жамият акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ва тўлаш ҳуқуқига эга эмас.

## **II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРINI АНИҚЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ**

9. Жамият молия йилининг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижалари бўйича ва (ёки) молия йили натижаларига кўра мазкур Низомнинг 8-бандида қайд этилган акциялардан ташқари, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш (эълон қилиш) ҳуқуқига эга.

Молия йилининг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

Дивидендлар жамият ихтиёрида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) олдинги йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан тўланиши мумкин.

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши акциядорларининг умумий йиғилишига дивидендлар миқдори ва тўлаш тартиби тўғрисида ўз тавсияларини тақдим этади. Дивидендларнинг миқдори Кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

10. Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисидаги қарорида қуйидагилар белгилаб қўйилиши шарт:

- дивидендлар тўланадиган (эълон қилинадиган) акция турлари;
- муайян турдаги битта акцияга тўланадиган дивиденд миқдори;
- дивидендларни тўлаш муддати, тартиби ва даврийлиги.

Бунда Жамият қонунчиликда белгиланган ҳолатларда, шунингдек оддий акциялар бўйича дивидендларни қонунчиликда белгиланган муддатларда тўлиқ тўлаш имконияти мавжуд бўлмаганда дивидендларни ҳисоблаш (тўлаш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

11. Акциядорлар умумий йиғилишига Кузатув кенгаши томонидан дивидендларнинг тўлаш учун тавсия этилаётган миқдори қуйидаги омиллардан келиб чиқиб белгиланади:

ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган молиявий ҳисоботга мувофиқ белгиланган соф фойданинг миқдоридан;

- Жамиятнинг кейинги даврга белгиланган молиявий-хўжалик режаларидан;
- Жамиятнинг тегишли давр охирида мавжуд бўлган айланма маблағлари таркибидан;
- Жамиятнинг тегишли давр охиридаги қарздорлик юкланмасидан.

12. Тавсия этилаётган дивидендлар миқдорини аниқлашда Кузатув кенгаши Жамиятнинг кейинги даврга мўлжалланган молиявий-хўжалик режаларини, айланма маблағларининг ҳамда Жамият мажбуриятларининг жорий ва келгуси аҳолини ҳисобга олиши зарур. Кузатув кенгаши

**«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамиятининг  
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

---

томонидан тавсия этилган дивидендларнинг тўланиши Жамият томонидан қўшимча қарзга молиялаштириши ёки кейинги давр учун тасдиқланган молиявий хўжалик режаларида кўзда тутилмаган бошқа харажатларни келтириб чиқармаслиги шарт.

### **III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ**

13. Жамият дивидендларни пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўлаши мумкин. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади ёки Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмаган акциядорнинг ёзма аризасига мувофиқ жамият унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага конвертация қилиб, норезидент-акциядор тақдим этган ҳисоб рақамига ўтказиб бериши шарт.

14. Дивидендларни тўлаш муддати Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарори билан белгиланади, бироқ акциядорлар умумий йиғилиши томонидан дивидендлар тўлови тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан кечиктирилмаслиги керак.

15. Агар Жамият қимматли қоғозларининг эгалари ҳисобланган дивидендларни акциядорларнинг умумий йиғилиши белгилаган муддат ичида олмасалар, Жамият бундай (талаб қилинмаган) дивидендларни тўлашни давом эттиради.

16. Жамиятнинг ўзининг вазифалари қаторида акциядорлар билан иш олиб бориш учун ҳам жавобгар бўлган таркибий тузилмаси Жамиятнинг бухгалтерияси билан бирга, ушбу Низомда кўзда тутилган Жамият томонидан дивидендлар тўланишини тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва ташкиллаштириш буйича барча тадбирларни амалга оширади.

17. Ҳар қандай акциядор Жамиятга акциялар бўйича дивидендларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби, дивидендлар суммасини солиқ тортиш ва тўлаш тартиби, тўлаш шартлари тўғрисида ахборот тақдим қилинишини сўраб талабнома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

18. Акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар эга.

19. Агар акцияларга ҳиссадорлик асосида эгалик қилинаётган бўлса, дивиденд акциядорлар ўртасида уларнинг ҳиссасига мутаносиб равишда белгиланган тартибда тақсимланади.

20. Акциядор ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи депозитарийни ва/ёки Марказий депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиши шарт. Акциядор ўзига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотни

**«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамиятининг  
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

---

тақдим этмаган ҳолларнинг оқибатида акциядорга етказилган зарар учун Марказий депозитарий ва/ёки акциядорнинг ўз акцияларига бўлган ҳуқуқлари бўйича хизмат кўрсатувчи депозитарий жавобгар бўлмайди.

21. Дивидендлар тўлови автоматик тарзда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийи ёки инвестиция воситачилари орқали акционернинг мавжуд банк ҳисоб рақамига амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда акциядорлик жамияти акционердан дивиденд тўлаш тўғрисида ариза талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

22. Жамият акциядорларга тегишли акциялар юзасидан даромадларни тўлашда солиқ агенти бўлиб ҳисобланади ва ҳисобланган дивидендларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қимматли қоғозлардан олинган даромадаларни солиққа тортиш бўйича белгиланган солиқларни чегириб олган ҳолда тўлайди. Солиққа тортишнинг стандарт ставкалари бўйича имтиёзга эга акциядор буни тасдиқловчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳужжатларни Жамиятга (улар учун жалб этилган Тўлов агентига) тақдим этиши зарур.

#### **IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

23. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

24. Дивидендларни тўлаш чоғида акциядорлардан ҳеч бири тўлов муддатлари бўйича имтиёзга эга бўлмайди.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган акцияларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга нисбатан тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Бунда йирик акциядорга дивиденд тўланиши миноритар акциядорларнинг дивидендларини белгиланган муддатларда тўланишига зиён етказадиган бўлса, Жамият йирик акциядорларга дивиденд тўловларини амалга оширишга ҳақли эмас.

25. Жамият ижроия органи Жамият акциядорларига дивидендларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгардир. Ижроия органи фаолияти устидан назорат Кузатув кенгаши томонидан Жамият.

26. Ҳисобланган дивидендлар тўловини таъминлаш мақсадида Кузатув кенгаши ўз мажлисларида дивидендлар тўловининг бориши тўғрисидаги масалани муҳокама қилади. Дивидендлар Жамият ижроия органи айби билан ўз вақтида ёки тўлиқ тўланмаган ҳолатда Кузатув кенгаши айбдор шахсларнинг жавобгарлик чораларини белгилайди ва тегишли жарималарни қўллайди ёки қўланишини ташкил этади.

27. Жамият томонидан ўз мажбуриятларини бажармаганлик ҳолатида, акциядорлар ҳар бир турдаги акциялар бўйича дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир.

**«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамиятининг  
ДИВИДЕНД СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

---

28. Жамият дивидендлардан солиқ суммасини ушлаб қолиш ва ўтказиб бериш бўйича солиқ агенти сифатида юклатилган вазифаларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**V. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ**

29. Мазкур Низом, шунингдек унга киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар Жамият томонидан Интернет тармоғидаги жамиятнинг корпоратив веб-сайти орқали жамият бошқарув органи мажлисининг тегишли қарор қабул қилинган баённомаси имзоланганидан кейин ўн кун ичида эълон қилинади.

30. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан дивидендлар тўланиши тўғрисида қабул қилинганда, Жамият ахборотни муҳим факт тўғрисидаги маълумот сифатида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

31. Жамият томонидан дивидендлар тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажарганлиги тўғрисидаги ахборотни муҳим факт тўғрисидаги маълумот сифатида Жамият тегишли маълумот сифатида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

**VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

32. Мазкур Низом, шунингдек унга киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар Жамият акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

33. Мазкур Низомга киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгашининг, Жамият ички аудит хизматининг, Жамият ижроия органи раҳбарининг таклифларига мувофиқ киритилади.

34. Агар мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва бу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар мазкур Низомга тегишли ўзгаришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Уставида белгиланган меъёрлар асосида бошқарилади.